

ИЧАК ИЕРСИНИОЗИ ПОЛИВАЛЕНТ ДИАГНОСТИК ЗАРДОБЛАРИНИНГ МАХСУСЛИГИНИ ГЕТЕРОЛОГИК МИКРООРГАНИЗМЛАРДА ЎРГАНИШ

Таджиева Н.У¹., Бектимиров А.М-Т¹., Қосимов О.Ш¹., Абдуллаев А.О²., Юсупов А.П.¹ Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий - амалий тиббиёт маркази¹, Тошкент Кимё халқаро университети², Ўзбекистон

Гипериммунизация натижасида олинган зардоб, бошқа юкумли касалликлар қўзғатувчиларининг антигенлари билан кесишган ҳолда агглютинация реакциясига киришиши мумкин, бу ҳолат ўз навбатида ажратилган штаммнинг идентификациясида хатоликларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун зардобнинг махсуслигини гетерологик микроорганизмлар билан текшириш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг мақсади *Yersinia enterocolitica* нинг О3 ва О9 сероварлари штаммлари билан эмланган тажриба ҳайвонларининг қон зардобидан олинган гипериммун зардобнинг гетерологик микроорганизмларда махсуслигини ўрганишда иборат.

Зардобларни олиш жараёнида *Yersinia enterocolitica* 005011/659 серовар О3, *Yersinia enterocolitica* 005008/656 серовар О9 штаммларидан фойдаланилди. Бундан ташқари, тадқиқотнинг материали сифатида *Yersinia enterocolitica* нинг 60⁰С да 1 соат давомида сувли ҳаммомда фаолсизлантирилган корпускуляр ва корпускуляр микробни 5 марта - 20⁰С музлатиб, яна эритиб тайёрланган эрувчан антигенлар, *Enterobacteriaceae* оиласининг айрим вакиллари, *Brucella abortus* 19 ҳамда тажриба ҳайвонларининг қон зардобидан фойдаланилди.

Бактериологик усул. *Yersinia enterocolitica* штаммлари нейтрал агарда ўстирилиб, Мак-Фарланднинг стандартлари бўйича турли концентрациядаги антигенлари тайёрланиб, тажриба ҳайвонларига юборилди.

Серологик усул: Соғликни сақлаш вазирининг «Иерсиниозлар билан курашиш чора - тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида» ги 2004 йилнинг 19 апрелдаги 170- сон буйруғи асосида бажарилди. Пробиркалардаги, кенгайтирилган агглютинация реакцияси натижаларини қайд этиш оддий кўз билан қуйидаги схема асосида бажарилди: суюқликни йирик ва кичик агглютинат билан тўлиқ тиниқлашиши, яъни 100% агглютинация (++++); суюқликни билинадиган (сезиларли) агглютинат билан деярли тўлиқ тиниқлашиши, яъни 75% агглютинация (+++); суюқликни билинадиган (сезиларли) агглютинат билан озгина тиниқлашиши, яъни 50% агглютинация (++) ;бир оз донаторлик билан лойқа суюқлик (+); бир текисдаги лойқа суюқлик (-).

Гипериммунизацияда олинган гипериммун зардобларнинг рақамлари қуйидагича белгиланди: тажриба ҳайвонларининг рақамига мос равишда иммунизациягача - 0.1,0.2 ва ҳ.к., биринчи иммунизациядан кейин олинган зардоблар - 1.1,1.2 ва ҳ.к. иммунизация босқичларига мос равишда 2.1..2.2; 3.1..3.2. ва ҳ.к.

Эксперимент натижасида олинган зардобларнинг махсуслиги *E.coli* ATCC 25922; 004136; *S. typhi* 004812 (55); *S. typhimurium* 007428 (408); *S. paratyphi B*; 001150 (34); *S.enteritidis* 000574 (886); *Enterobacter sakazacae* 003047 (59); *Sh.flexneri* 005036 (189); *Pseudomonas aeruginosa* 004459 (571); *Morganella morganii* 004887 (H-01); *Brucella abortus* 19, *E.coli* лактоза позитив 6; *Klebsiella pneumoniae* 90; *Citrobacter breundi* 59; *Proteus spp.* 1076; *S.enteritidis* 671; *S.enteritidis* 189 ва *Proteus inconstan* 87 штаммларда ўрганилди.

Дастлаб иммунизациядан олдинги ва гипериммунизация давомида олинган қон зардоблари (n=72) билан барча штаммлар (n=17) билан буюм ойнасида агглютинация реакцияси қўйилди.

E.coli лактоза позитив 60; *Citrobacter breundi* 59, *E.coli* ATCC 25922; 004136, *S. typhi* 004812 (55), *S. typhimurium* 007428 (408), *S. paratyphi B*; 001150 (34), *Shflexneri* 005036 (189), *Pseudomonas aeruginosa* 004459 (571) ва *Morganella morganii* 004887 H-01) штаммлари билан тажриба асосида олинган зардоблар буюм ойнасида агглютинация реакциясида салбий натижа қайд этилди.

S.enteritidis 000574 (886) штамми билан 2.1, 2.2, 2.6, 3.1, 3.4, 3.5, 3.6, 3.7, 3.8, 5.3, 5.4, 5.5, 5.8 ва 5.9 рақамли зардоблар; *Enterobacter sakazacae* 003047 (59) штамми билан 2.5, 3.1, 3.2, 3.3, 3.4, 3.5, 3.6, 3.9, 3.11, 3.12, 4.1,4.5, 4.6, 4.7, 4.8, 4.9, 4.11, 5.2, 5.5, 5.6 ва 5.9 рақамли зардоблар; *Klebsiella pneumoniae* 90 штамми билан 3.2, 3.3, 4.5, 4.9, 5.7, 5.8, 5.9 рақамли зардоблар; *Proteusspp.* 1076 штамми билан 3.2, 3.4, 3.9, 4.1, 4.2, 4.4, 4.6, 4.7, 4.10, 4.12 рақамли зардоблар; *S.enteritidis* 671 штамми билан 4.1,4.3,4.4,4.10 ва 4.12 рақамли зардоблар; *Brucella abortus* 19 штамми билан 3.4,5.4 ва 5.12 рақамли зардоблар буюм ойнасида агглютинация реакциясида кучсиз ижобий

натижа берди.

Тажиба натижасида олинган зардоблар *Proteus spp.* 1076 штамми билан 2.6 ва 3.6 рақамли зардоблар; *Brucella abortus* 19 штамми билан 2.10,2.11,2.12,3.10,3.11,3.12,4.10,4.11 ва 4.12 рақамли зардоблар; *Klebsiella pneumoniae* 90 штамми билан 4.1,4.2,4.3,4.4,4.6,5.1,5.2,5.3,5.4 ва 5.5 рақамли штаммлар; *Enterobacter sakazacae* 003047 (59) штамми билан 5.12 рақамли зардоб; *Proteus inconstan* 87 штамми билан 5.11 рақамли зардоблар буюм ойнасида агглютинация реакциясида ижобий натижа кузатилди.

Буюм ойнасида қўйилган агглютинация реакциясида гетерологик микроорганизмлар штаммлари билан кучсиз ижобий ҳамда ижобий натижа қайд этилган зардоблар, айнан шу микроорганизмларнинг фаолсизлантирилган суспензияси билан пробиркаларда агглютинация реакцияси қўйилди.

Proteus spp. 1076; *Proteus inconstan* 87; *Brucella abortus* 19; *S.enteritidis* 000574 (886); *Klebsiella pneumoniae* 90; *Enterobacter sakazacae* 003047 (59) штаммлари билан пробиркаларда кенгайтирилган агглютинация реакцияси қўйилганда 1:50 титрдан (*S.enteritidis* 000574 (886); *Enterobacter sakazacae* 003047 (59) *Brucella abortus* 19; *Proteus spp.* 1076;) 1:200 (+) титргача (*Klebsiella pneumoniae* 90) бўлган натижалар кузатилди.

Шундай қилиб, ичак иерсиниози гипериммун зардобларининг махсуслигини гетерологик микроорганизмларда текшириш *Enterobacteriaceae* оиласининг айрим вакиллари (*Proteus spp.*, *Proteus inconstan*, *S.enteritidis*, *Enterobacter sakazacae* ва *Klebsiella pneumoniae*) ва *Brucella abortus* 19 билан пробиркалардаги агглютинация реакциясида 1:50 титрдан 1:200 (+) гача бўлган титрларда ижобий натижалар қайд этилди. Ушбу ҳолат *Brucella abortus* 19 ва *Enterobacteriaceae* оиласини (*Proteus spp.*, *Proteus inconstan*, *S.enteritidis*, *Enterobacter sakazacae*, *Klebsiella pneumoniae*) айрим вакиллари *Yersinia enterocolitica* билан умумий антиген тузилишига эга эканлигидан далолат беради.

Ичак иерсиниози гипериммун зардобларидан амалиётда фойдаланиш учун кенгайтирилган агглютинация реакциясининг махсус титри -1:200 (++) ва ундан юқори) белгиланади.

Ичак иерсиниози гипериммун зардобларининг махсуслигини ошириш учун гетерологик микроорганизмлар (*Proteus spp.*, *Proteus inconstan*, *Brucella abortus* 19, *S.enteritidis*, *Enterobacter sakazacae* ва *Klebsiella pneumoniae*) билан зардобларни адсорбция қилиш мумкин, бунда зардобларнинг махсуслиги ошади, сезгирлиги эса пасаяди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Золотова, Н. Н. "ИММУНОЛОГИЧЕСКАЯ РЕАКЦИЯ ОРГАНИЗМА НА ТЯЖЕЛУЮ СОЧЕТАННУЮ ТРАВМУ У ДЕТЕЙ." Евразийский журнал медицинских и естественных наук 4.2 (2024): 112-115.
2. Золотова, Наталья Николаевна, and Бекзод Насреддинович Эргашев. "К вопросу диагностики и лечения статических деформаций скелета у детей (литературный обзор)." Молодой ученый 3 (2016): 267-270.